



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 19 июль, № 140 (5307)

Сешанба



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МАФТУНКОР ЖОЗИБАСИ

Истиқлол йилларида халқ бадий хунармандчилиги
эъзоз топиб, янада ривожланмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 1997 йил 31 мартда қабул қилинган “Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётди. Унга кўра, хунармандлар учун катта имтиёзлар берилиб, кенг имкониятлар яратилди. Бундан унумли фойдаланаётган усталаримиз ўлмас санъатимизни нафақат юртимиз, балки дунё бўйлаб кенг намойиш этмоқдалар. Буни самарқандлик моҳир

хунарманд Миржамол Асадов фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Аслида, уста сулоланинг туртинчи авлод вакили бўлиб, унинг ота-боболари ҳам шу хунар ортдан эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган. Истиқлол берган имкониятлардан унумли фойдаланган уста бугун ота-боболарининг ишини давом эттирибгина қолмай, балки уни янгича услублар билан бойитиб, халқ бадий хунармандчилиги ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: уста Миржамол Асадов ўғли Мансур билан иш устида.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Болажонларга аталган либослар

ТОШКЕНТ вилоятининг Ангрэн шаҳридаги жорий йилда иш бошлаган “Sung-gentex” масъулияти чекланган жамияти ўтган қисқа вақт ичида буюртмачиларга 2,2 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришга эришди.

Болажон кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган мазкур корхона Россиянинг “Дизайн груп” компанияси томонидан киритилган 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя эвазига лойиҳалаштирилган эди. Натижада цехлар хорражнинг илгор ускуналари билан таъминланиб, бу ерда йилга 1,2 миллион дона болажон кийими тайёрлаш имконияти юзага келди.

Эътиборли жиҳати, айни пайтда 290 нафар маҳаллий хотин-қиз меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларининг 95 фоизи экспорт қилинмоқда.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Корхонанинг сифатли маҳсулоти

“НАМАНГАН тола-текстиль” масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш тадбирлари амалга оширилган, чигитни лифтерлар ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мазкур лойиҳани рўйбга чиқаришда банкнинг 3 миллиард 940 миллион сўмлик кредити кўл келди. Пировардида бу ерда йилга 110 минг тонна лифтер ва 8 минг тонна ўсимлик ёғи тайёрлаш имконияти юзага келди. Янги ускуна ва жиҳозлар ёрдамида ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи экологик жиҳати ва сифати бўйича халқаро андозаларга тўла мос келади.

Эътиборли томони, янги лойиҳа шароити билан қўшимча 200 та иш ўрни яратилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фаолияти кенгайди

СУРХОНДАРЁ. Узун турмалик тадбиркор Зокиржон Исоқов шағал ҳамда қум саралашга мўлжалланган, қиймати 500 миллион сўмлик технология линияни ишга туширди.

20 киши бандлиги таъминланган мазкур “Узун ихтисослаштирилган уй-жой қурилиш” корхонасида қисқа муддатда буюртмачиларга 160 миллион сўмлик қурилиш ашёлари етказиб берилди.

Эътиборлиси, вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида янги корхоналар ташкил этиш ва мувоҳидлик фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 421, кичик бизнес субъектлари томонидан эса 5538 та иш ўрни яратилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида иқтисодий келгусида ҳам жадал тараққий эттириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш юзасидан илгари сурилган масалалар унинг асосини ташкил этади.

тутларни ташкил қилиш шулар жумласига киради.

Молиявий институтларнинг асосий вазифаси сармоядорлар маблағларини манфаатли шартларда инвестиция бозорига са-

асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари, амалга оширилган бозор ислохотларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилиш ахбороти алмашуви тўғрисида, “Гаров реестри тўғрисида”, “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”, “Инновациялар ва иқтисодий модернизация қилиш тўғрисида”ги янги қонунларни киритиш мумкин.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Шундай экан, саноат ривожига қаратилган инвестициявий лойиҳаларни ҳаётга ижро қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бироқ инвестициявий харажатларни молиялаштиришда энг самарали манбалардан фойдаланиш тақозо этилади. Шунинг учун нафақат ташқи, балки ички инвестицияларни ҳам ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган инвестициявий ресурсларнинг асосий манбаларидан бири — аҳоли маблағларидан унумли фойдаланиш мумкин. Бу-

нинг учун иқтисодий шароитларни янада яхшилаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағларини қайта инвестициялашни рағбатлантириш механизминини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Инвестициявий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, шунингдек, сармоядорларнинг бўш маблағларини субъектларга фойдаланиш ва қўлай шартларда йўналтирувчи молиявий инсти-

фарбар этиш ва жойлаштириш билан шуғулланадиган, қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширадиган траст, инвестиция фондлари ва ташкилотлари, пенсия ҳамда суғурта, брокер ва дилерлик компаниялари тармоқларини ривожлантиришдан иборатдир. Шу боис ҳам Концепцияда “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонуни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу билан бирга, хусусий банклар ҳамда хусусий мулкка

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

АЁЛЛАР МАНФААТИ – МУҲОФАЗАДА

Унда хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастурнинг вилоятлардаги ижроси Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсати билан бирга муҳофизат этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

«ХАЛҚИНГИЗНИНГ УЛКАН БУЊЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ БАРЧАНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»

Ўзбекистон ўзининг бетақдор тарихий обидалари, бой маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан сайёҳлар ва хорижий меҳмонларни мафтун этмоқда. Ушбу мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Андрей ВАНЕЛИК
(Польша):

— Ўзбекистонга оилам билан келдим. Ўзгича таътилни бу йил мамлакатингизда ўтказишга маънавиятдан қувончимиз чексиз, айниқса, фарзандларимиз жуда хурсанд. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун яратилган шароитга ҳар қандай ривожланган давлатнинг болалари ҳам ҳавас қилади, деб ўйлайман. Юртингизнинг тоғли худудларидagi дам олиш масканларидa бўлди.

Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

мени Ўзбекистондек мафтун этмаган. Пойтахтингизнинг соя-салқин боғлари, сержило фавворалари, кенг ва озода кўчалари, замонавий улкан иншоотлари, энг муҳими, меҳмондўст одам-

Сайёҳлар, аввало, тинч ва осуда жойларга интиладилар. Кўп юртларда бўлганман. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат

лари бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Афиқа Хумайра АБДУЛЛОҲ ХОНИМ (Малайзия):

— Ўзбекистон — гўзал тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга жуда бой мамлакат. Хар келганимда Ҳазрати Имом меъморий мажмуасини зиёрат қиламан. Бу ердаги Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи,

(Давоми 4-бетда).

Бир рақам шарҳи

Қурилиш материаллари ва янгилашни босқичлари

Мамлакатимизда

2011

йилнинг биринчи чорагида маҳаллий хом ашё ва компонентлардан фойдаланган ҳолда, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар сони

43

тага кўпайди.

Дунё ҳамжамияти бугун юртимизда рўй бераётган мислсиз ўзгариш ва янгилашни ҳавас билан боқиб турганини аниқ ҳақиқат. Сабаби, истиқлол йилларида шаҳар қишлоқларимиз тобора чирой очиб, бутунлай қўрқам қиёфа касб этаётди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг ҳажми йил сайин ошиб бораётгани халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳиятини аққол намойён қилапти. Яна бир муҳим жиҳати, ана шу улкан қурилишларда, асосан, республикамизда тайёрланган юқори сифатли маҳсулотлардан фойдаланилмоқда. Бу қурилиш материаллари ортиб бораётган талабни узлуқсиз таъминлаш мақсадида янги қувватларнинг ишга туширилётгани, импорт ўрнини босувчи маҳ-

сулотларни тайёрлашни кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Айтайлик, Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида 34,6 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 8 та янги завод ишга туширилди, 5 та шундай заводда модернизациялаш ишлари бажарилди, 2 та корхонада эса хом ашё компоненти сифатида қўмирдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу каби сай-ҳаракатлар йирик иншоотлар, замонавий тураржойлар, машиини ва икчимий соҳа объектиларини қисқа муддатда муштақам, қўрқам ва арзон нарҳда барпо этиш имконини бераётди.

Равшан ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ўсмирлар
терма жамоаси химоячиси.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, аҳоли маблағларини турли лойиҳа ва молиявий институтларга жалб этишнинг жозибали механизмларини жорий қилиш бугунги кун талабидир. Шу маънода, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, энг аввало, уларнинг сармоядорлар манфаатига хизмат қилишига эришиш талаб этилади. Мамлакатда уларнинг ўз капиталини тўғридан-тўғри ёки қимматли қоғозлар бозори орқали йўналтиришига эришиш лозим.

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самардорлигини ошириш учун "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Ушбу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш тартибини янада соддалаштириш, уларнинг фао-

лиятига кўпроқ эркинликлар бериш, хусусан, кредитлаш, реурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотишда қўшимча янги имтиёзлар қўллаш, халқаро амалиётга мувофиқ, даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмларни татбиқ қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши белгиланганини айтиш жоиз.

Бундан ташқари, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва унда монополистик фаолиятни нафақат товарлар, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш назарда тутилмоқда. Қонунда биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, хусусан, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини со-

далаштириш бўйича нормалар киритилади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилиниши барча акциядорлар ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ривожланган мамлакатларда инвестициявий қўйилмаларнинг самардорлиги пулнинг вақтинчалик қиймати концепцияси асосида ҳисобланади. Ушбу концепциянинг моҳияти пул вақт ўтиши билан ўз қийматини

ўзгартиришини англатади. Бунга, асосан, бир қанча омиллар сабаб бўлади. Аввало, пулнинг капитал сифатидаги қиймати ўсиши мумкин. Айни пайтда пулнинг вақт бўйича қиймати ўзгаришига инфляция таъсир қилади ва пулнинг харид қобилияти пасаяди. Қолаверса, пулнинг вақт бўйича қиймат ўзгаришига келгусидаги ноаниқликлар ҳам таъсир этади.

Шу маънода, республикада инвестициявий фаолликни ошириш учун инвесторларнинг иқтисодий саводхонлигини ўстириш ва инвестиция бозори иштирокчиларининг ахборот билан таъминланишини яхшилаш вазифаларини ҳал этиш зарур.

Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектлар маблағларини инвестициялашга кенг жалб этишга тегишли қонунларнинг жойларда ба-жарилмаслик ҳолатлари тўғрисида бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Концепцияда бу каби салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш механизми белгиланган. Демак, ушбу механизмнинг ҳаётга нечоғли тез татбиқ этилиши аҳоли ва ҳўжалик субъектлари инвестициявий фаоллигининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Норбой КАРИМОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг
кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори.



ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ВА ЮКСАЛИШ
Ҳар қандай давлатнинг дунё бозоридagi ўрни ва мавқеини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, яъни хариддорчилиги белгилайди. Бу эса, кўп жиҳатдан, хорижий инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри сармояларни жалб этишга боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда мустақиллик йилларида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, хорижий сармоядорлар учун жуда қулай инвестициявий муҳит яратилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Ҳозирги кунда биргина Фаргона вилоятида 97 та қўшма корхона фаолият кўрсатаётгани, 27 нафар чет эллик сармоядор ўз бизнесини йўлга қўйгани бунинг ёрқин далилидир. Агар истиклолнинг дастлабки йилларида бу ерда хорижий инвесторлар иштирокида 2 та қўшма корхона ташкил этилиб, уларда бор-йўғи 240 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилгани

до айланмасида экспорт ҳажми йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 90-йилларда вилоят бўйича 20 миллион долларлик маҳсулот хорижий буюртмачиларга жўналатилган бўлса, 2001 йилга келиб, бу кўрсаткич 130,7 миллион долларликни, ўтган йили 450 миллион долларликни ташкил этди. Шундан 113,6 миллион долларлик бевосита хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналарда тайёрлангани эътиборга моликдир.

Рақамлар сўзлайди...

Маънода ривожланишга эришилгани аён бўлади.

Ёки бўлмаса, бошқа бир мисол. Бундан 10 йил аввал Фарғонада 74 та қўшма корхона томонидан 32 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, унинг 30,5 миллион долларлик экспортга йўналтирилган эди. 2010 йили хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар сони 97 тага етиб, жорий йилнинг ўтган ойларида улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар ҳажми 474 миллиард сўмликдан ошди. 113,6 миллион долларлик маҳсулот эса экспорт қилинди.

Дарҳақиқат, вилоятимизнинг ташқи сав-

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса қўшма корхоналарда ўсиш суръати аввалги йилдагига нисбатан 130,1 фоизни, экспорт ҳажми 40,8 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қувонарлиси, шу йилнинг ўзида экспортчи корхоналар сони 12 тага етиб, улар томонидан 134,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Буларнинг бари юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳақиқий мева-сидир.

Ўқтамжон ОТАЖОНОВ,
Фаргона вилояти ҳокимлиги иқтисодий бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т. Норбоева, республика Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г. Маъруфова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз хотин-қизларининг ижти-

АЁЛЛАР МАНФААТИ – МУҲОФАЗАДА

моий-ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни пайтда юртимизда хотин-қизлар манфаатларини ифода этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, турли вазирлик ва идоралар билан самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг ишлаш ва ўқиш шартини яхшилаш, меҳнат ҳуқуқларини муҳофазалаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга оид ишлар кўлими янада кенгаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган ярим йилида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва тадбиркор аёлларга кредитлар ажратишга оид ҳудудий дастурларга асосан, мамлакатимиз бўйича 252 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди.

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида юртимиз тижорат банклари томонидан барча молиялаш маблағлари ҳисобидан қарийб 170,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ингилишда уй меҳнати билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билиминини ошириш, улар учун қўшимча шартот ва имкониятларни яратиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, маҳаллалар, оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ингилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ МАФТУНКОР ЖОЗИБАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ҳартанг қишлоғида барпо этилган Ҳўжа Исмоил Бухорий мажмуаси қурилишидаги иштирокини катта фахр билан эслаймиз, — дейди Миржамол Асадов. — Аслида, бу унутилмас воқеа бўлган. Гап шундаки, мен ўшанда Бухорий ҳазратлари қабрига тушавершидаги эшикларни ўймакор усулда ясаётгандим. Масжиднинг қурилиш ишларини кўздан кечириш учун ташриф буюрган Пре-

бобом бу эшикларни ясаган, деб фахрланардим", деган тақлифини киритди. Бундан кўнглим тоғдек кўтарилиб, эшикларга "Уста Миржамол Асадов Мирусмон ўғли" деган ёзувни ўймакор услубда ёздим. Кейинчалик Имом Мотуридий мақбараси, Шоҳи Зинда ва Миллий театр эшикларини ҳам шу усулда уч қаватли қилиб ишладим...

Шу ўринда уч қаватли ўймакорлик услубида эшик, дераза ва дарвоза-

рида деярли унутилган эди, — дейди уста. — Халқимиз истиклолга эришгач, миллий аънана ва қадриятларимиз баробарида унга ҳам эътибор кучайтирилди. Аввалига осон бўлмади, албатта. Чунки юртимизда бундай усулда ишланган ишлар кўп эмасди. Биргина Шоҳи Зиндадаги Қусам Ибн Аббос мақбараси эшикларига бор эди, холос. Шунга қарамай, биз ушбу усулни яна қайта тиклашга эришдик.

дан-қанча жойларга кўрк бағишлаб турибди. Пойтахтимиздаги "Хотира майдони", Гафур Ғуллом уй музейи, Ёзувчилар уюшмаси, Мухтор Ашрафий уй музейи, Абул Қосим мадрасаси, Республика кўнрақ театри, Ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси, Самарқанддаги Ҳазрати Хизр масжиди, Амир Темура мақбараси, Бибиноним масжиди, Бухородаги Баҳауддин Нақшбандий мақбараси, Арк ичидидаги Масжиди Калон, Ғиждундаги Улугбек мадрасаси, Навоийдаги Қосим шайх мадрасаси, Москва шаҳридаги "Самарқанд" дўкони, Тбилиси шаҳридаги мадраса, Қозғистондаги бир неча масжид, Туркиянинг Кўнэ шаҳридаги Жалолиддин Румий зиёратгоҳидаги устун, эшик ва ромлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда уста-тадбиркор 12 нафар истеъдодли шогирди билан чиройли, беширим дарвоза, эшик ва ромлар ясаб, кўннинг дуосини олмақда. У бобомерос касбнинг давомийлигини таъминлаш мақсадида фарзандлари ва набиралари — Маъруф, Мирмуҳсин, Мансур, Мирмуҳсин ва Абдуллани ёнига олиб, уларга ҳам ушбу ноёб санъат сирларини ўргатмоқда.

Хуллас, юртимизда халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати тобора ривожланиб, мохир усталаримиз ўзлари яратган асарлари билан юртимизда хурмат-эътибор қозонишарди. Бу эса уларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
Шомурот ШАРАПОВ
(суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



СУРАТДА: ака-ука Маъруф ва Мирмуҳсин Асадовлар.

зидентимиз уч қаватли мазкур ўймакор эшикларга разм солиб: "Бундай ноёб асарга ўзининг исми-шарифингизни ҳам ёзинг, токи, нева-чевараларингиз бу жойларни зиёрат қилишганда, менинг

лар ясаш кўп йиллар давомида тўхтаб қолганлиги, истиклол шарофати билан бу усул фидойи усталаримиз излашларини туйғайди яна тикланганлигини алоҳида айтиб ўтиш зарур. — Бу усул шўролар дав-

Кўлигул уста Миржамол Асадовнинг сай-ҳаракатлари туйғайди ушбу ноёб санъат тури нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам доврुक қозонмоқда. Уста ясаган дарвоза, эшик, ром ва креслолар бугунги кунда қанча-

Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омилли ҳисобланиб, аҳоли турмуш даражасини оширишга, қўшимча иш ўринлари яратишга, табиий ва маданий бойликларимизни сақлаш ва муҳофаза этишга хизмат қилади.

«ХОРАЗМНИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ»

Мамлакатимизда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморий обида ва ёдгорликлар мавжуд. Юртимиз дунё цивилизациясининг энг қадимги ва бой маданий марказларидан бири ҳисобланади. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши ва Марғилон каби тарихий шаҳарларимизнинг ёши салкам уч минг йилга яқинлиги археолог олимлар томонидан исботланган. Бу омиллар, табиийки, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини аққол кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда сайёҳликни ривожлантириш борасидаги вазифалар муваффақиятли ҳал этилаётгани боис соҳа инфратузилмаси тобора ривожланиб, Ўзбекистоннинг сайёҳ-

лик нуфузи янада ошмоқда. Хусусан, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб бораётди. Тарихий обидаларимиз, мафтункор табиатимиз, тақлиф этилаётган хизматлар сەҳнат ишқибозларини ўзига тобора жалб этиб, юртимизга қизиқишини ортирмоқда. Бунга қадимий воҳа — Хоразм мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Вилоятда туризм инфратузилмасини жонлантириш борасидаги сай-ҳаракатлар, унинг кўп асрлик тарихи, бебаҳо маданий мероси, бетакрор обидаларини муқаддас қадимжолари хорижий сайёҳларда ва меҳмонларда унутилмас таассурот қолдиришмоқда.

авайлаб келаётган хушфелъ, меҳмондўст Ўзбекистон халқига миннатдорчилигини билдираман.

— Ажойиб хотиралар билан қайтмоқдамиз, — дейди италиялик меҳмон, "Колумбия-туризм" фирмаси раҳбари Пьеро Лемби. — Қалбида Хиванинг тенгисиз, бебаҳо обидаларига, тарихига, қадриятларига, улар тимсолида ўзбек халқига хурмат-аҳтиром тўлиб-тошди. Тош дарвозалар, тош обидалар, баланд миноралар, карвонсаройлар, ўнлаб асрий обидаларга гуруҳимиздаги 26 нафар сайёҳ узоқ тикилиб, ҳаётнинг умрбоқий ҳикматларини янада теран англадиқ.

Дарҳақиқат, дунё нигоҳида бўлган қўна Хоразм истиклол ту-

файли яшариб, сайёҳлик бўйича катта мавқега эга бўлиб бормоқда. Уттан йили воҳага 49 минг нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, уларнинг 37 минг нафари хорижий меҳмонлардир.

Шунга яраша вилоятда туризмга хизмат қилувчи ташкилотлар кўпайиб бормоқда. Кейинги пайтда 8

давлат университетининг иқтисодиёт факультетида туризм таълими, ўтган йили эса туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси бўйича очилган йўналишларда 75 талаба таълим олмақда. Бундан ташқари, Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган ва тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган Урганч ту-

Тадбирда истиклол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида уй-жой қурилиши ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Бунинг учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асос яратилгани тураржойларни барпо этиш

даги муносабатлар тегишли қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлари орқали тартибга солинса-да, кўпчилик улар ҳақида етарлича тушунчага эга эмас.

Оқибатда амалиётда айрим муаммолар келиб чиқаётди. Бунинг устига, ижара тўғрисидаги шартномаларнинг аксарият қисми озгаки тўзилаётгани, даромадни яшириш ҳамда турли солик ва бошқа тўловларни тўламасликка сабаб бўлаётгани. Кўриниб турибдики, ушбу муаммоларга ўз вақтида ечим топиш бевосита уй-жой қонунчилигини янада такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Ингилишда мана шу камчилик ва нуқсонларни бартарф этиш мақсадида уй-жой қонунчилигини янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришга, қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сайджон МАХСУМОВ.

Сайёҳлик

га олгани билан эътиборни тортари. Мазкур янги лойиҳа "Хоразмнинг олтин ҳалқаси" деб номланганлиги ҳам сайёҳлар қизиқишини ошириши, табиий.

Таъкидлаш керакики, туризм соҳасида рекламанинг аҳамияти катта. Шу боис вилоятда сайёҳлик бўйича реклама марказини ташкил этиш, ҳудуднинг сайёҳлик имкониятлари тўғрисида буклетлар ва китобчалар нашр эттириш, урф-одатларимиз, аъналаримиз, қадриятларимиз, фольклор ва этнографиямиз, хунармандчилигимиз ва маданий-тарихий обидаларимиз тўғрисида сайёҳларга мўлжалланган фильмлар яратиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда.

Хуллас, сайёҳлик юртимиз шон-шухратини дунё миқёсида янада юксалтиришга хизмат қилишини назарда тутадиган бўлсак, у фақат серқирра, сердаромад манбагина бўлиб қолмай, балки ниҳоятда истиқболли соҳа эканлигини ёрқинроқ тасаввур қиламиз.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

Бу йил барчамиз учун энг улуг, энг азиз бўлган айём — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонлаймиз. Мамлакатимиз истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона ислохотлар туфайли юксак даражада ривожланиб, барча соҳаларда муваффақият ва ютуқларга эришди, жаҳонда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлди. Буларнинг барчаси тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаганимиз, шу йўлдан қатъият билан илдам бораётганлигимиз натижасидир.

Юртимизда олиб берилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари, турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилгандир. Бу жараёнда, айтиш мумкин, республикамиз тижорат банклари фаол иштирок этиб келмоқда. Бунинг ичида муассасаларидан бири — «Қишлоқ қурилиш банк» фаолияти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Ривожланиш мезони

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз банклари кенг миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий

«Қишлоқ қурилиш банк»: ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР САМАРАСИ

хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида банк умумий капитални йил бошидагига нисбатан ортиб, 2011 йилнинг



ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланган. Жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Инқирозга қарши чоралар дастури, шунингдек, Хукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш замирида узоқ муддатли ўсиш ва ривожланишга катта эътибор қаратди.

Президентимизнинг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилда иқтисодийни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодий таркибий қайта ўзгартиришни янада чуқурлаштиришга ҳамда унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган тадбирларда ҳам банк ўз хизматлари билан иштирок этаётгани қувонардир.

1 июль ҳолатига кўра, 184,5 млрд. сўмни ташкил этди. Банкнинг устав капитали эса 150,0 млрд. сўм миқдориди шаклланиб, соф активлари 771,9 млрд. сўмга етказилди.

Президентимизнинг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида қатъий депозит сиёсати юритилди. Мазкур йўналишда олиб борилган тадбирлар натижасида банк томонидан жалб қилинган депозитлар миқдори 2011 йил 1 июль ҳолатига кўра, 545,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йил шу давридагига нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир.

Мижозлар банк ҳамкори

Банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг барқарор ўсиши банкнинг ўз актив операциялари ҳажмини ошириш, хусусан, миջозларнинг турли йўналишлардаги лойиҳаларини ўз вақтида қайтариш воситаси орқали қўллаб-қувватлаш имкониятларини янада кенгайтиришга мустаҳкам замин бўлмоқда. Банк кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб, фаолиятининг асосий даромад манбаи ҳисобланган активлари ҳажми, таркиби ва даромадлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунда, айниқса, йирик корпоратив миჯозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини бериб, банкнинг кредит қўйилмалари миқдори 672,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Жами кредит қўйилмаларининг 430,0 млрд. сўми банкнинг устувор вазифасидан келиб чиқиб,

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини таъминлаш мақсадида замонавий тураржойлар эгаларига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 71,3 млрд. сўми (10,7 фоиз) саноат, 50,4 млрд. сўми (7,5 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш, 36,3 млрд. сўми (5,4 фоиз) қурилиш ва транспорт, 28,4 млрд. сўми (4,2 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи тад-

яти чекланган жамияти ташкил қилинди. Бугунги кунга қадар банк банкрот корхона молиявий соғломлаштириш юзасидан тақдим этилган бизнес-режада кўрсатилган 2,2 млрд. сўмлик инвестициявий мажбуриятини тўлиқ бажарди. Унга мувофиқ, 2011 йилнинг биринчи яримида корхонадаги ишчилар сонини 100 нафарга етказиш белгиланган бўлса, амалда 150 нафарга етказилди. Ҳозир банк томонидан инвестициявий мажбурият-


уҳун 2011 йил 1 июль ҳолатига кўра, жами 405,0 млн. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди. «Қамолот» ЁИХ билан биргаликда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида «Менинг бизнес гоём» кўрик-танловини ташкил қилиш бўйича 2011 йилнинг 3 майида қўшма қарор имзоланди ва бугунги кунда мазкур танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичи яқунланмоқ-

ларини таъминлаш мақсадларига 21,5 млрд. сўмдан зиёд кредитлар берилди.

Ўзга хизмат — олий мақсад

Маълумки, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштиришни ташкил этиш «Қишлоқ қурилиш банк»нинг устувор йўналишларидан ҳисобланиб, жорий йилнинг ўтган даврида бу борадаги банк олдига

қўйилган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилда умумий нархи 576,5 млрд. сўмлик 7400 та уй-жой қурилиши учун республикамизнинг 158 та



қишлоқ туманида 357 та ер массиви танланиб, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига 1080,1 минг кв.метр тураржойлар қурилиши учун ажратиб берилди. Ушбу йўналишда сарфланган маблағларнинг 368,0 млрд. сўми ёки 63,8 фоизи имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан, қолган 208,5 млрд. сўми аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда 2011 йил Дастури доирасида тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини ташкил қилади-лоти танлаб олинди, уларнинг бажарилган ишлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, босқичма-босқич жорий молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2011 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, аҳоли маблағлари ҳисобидан 177,6 млрд. сўм ҳамда имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобидан 155,7 млрд. сўм, жами 333,3 млрд. сўм миқдориди маблағлар қурилиш ишларини босқичма-босқич молиялаштиришни ташкил этиш мақсадида Инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамларига ўтказиб берилди.

Бугунги кунда массивларда уй-жойларнинг томларини ёпиш, пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзаро ишонч кафолати

Банк томонидан республика аҳолисига кўрсатилаётган чакана хизматлар ҳажмини ошириш, бўш пул

Шак-шўбасиз, бунда асосий эътибор банкнинг қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида аҳоли учун мўлжалланган уй-жойлар қурилишини комплекс молиялаштириш ишларида фаол иштирок этиш, банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, жумладан, банк устав капиталини 20,0 млрд. сўмга кўпайтириш, банк активлари, айниқса, унинг даромад келтирувчи қисмининг барқарор ўсишини таъминлаш, филиаллар ҳамда инфратузилмалар тармоғини янада кенгайтириш, ахборот технологиялари орқали «Банк-мижоз» ва «SMS-banking» каби замонавий хизмат турларини йўлга қўйиш, мамлакатда амалга оширилаётган турли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида фаол иштирок этиш каби устувор вазифаларга қаратилади.

«Қишлоқ қурилиш банк» Матбуот хизмати.

биркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, банкнинг мамлакатимизда олиб борилаётган инвестициявий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, банк томонидан 2011 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 192,3 млрд. сўмлик 410 та инвестициявий лойиҳа молиялаштирилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги дастурлар доирасида берилган инвестиция кредитлари ҳажми 5,5 млрд. сўмдан ошди.

Шу билан бирга, экспорт қилувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш учун 5,3 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Чунончи, банк томонидан йўналтирилган кредитлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жумладан, «Silver Silk Company» кўшма корхонасига ипак хом ашёси харид қилиш учун 3,3 млрд. сўм миқдориди ажратилган кредит маблағлари ҳисобига корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортишига, 3 млн. АҚШ доллари миқдориди экспорт шартномалари тузилишига эришилди.

«INWESTEX» МЧЖга фаолиятини кенгайтириш мақсадида асосий воситалар сотиб олиш ва ишчи капитал ҳажмини ошириш мақсадлари учун 1 млрд. сўмлик кредит ажратилган, тезда самараси кўзга ташланди. 1,6 млн. АҚШ доллари миқдориди экспорт шартномалари тузилгани, 280 минг АҚШ долларлик ўз маҳсулотларини экспорт қилишга муваффақ бўлингани бунинг исботидир.

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Барчано» хусусий корхонаси 1,0 млрд. сўм миқдориди экспорт шартномалари тузилиб, 601,0 млн. АҚШ доллари миқдориди чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди. Энг муҳими, бу ерда 23 та янги иш ўрни яратилди.

Модернизация салоҳияти

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги Фармони асосида, банкрот деб эълон қилинган Фарғона шаҳридаги «Буюк Ипак йўли» ОАЖ банк балансига ўтказилган, корхона негизда «SILK MANUFACTURE» масуули-

ни бажариш билан боғлиқ барча тадбирлар амалга оширилган бўлиб, амалдаги тартибларга мувофиқ, корхонани стратегик инвесторга сотиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Тадбиркорликка — кенг йўл


2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номлангани муносабати билан иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан,

Молия муассасаларида

сифатли банк хизматларини тақлиф этиш борасида банк томонидан алоҳида тадбирлар амалга оширилмоқда. Пировардида улар учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички бозорни тўлдириш, шунингдек, хорижга экспорт қилишларига қўшимча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Умуман, самарали банк хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш мақсадида банкнинг 14 та минтақавий ва 28 та туман филиалида тадбиркорлар учун кенг ахборот ва маълумотлар билан таъминланган Тадбиркорлик хоналари ташкил этилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги олдида банк томонидан кичик бизнес



субъектларининг тадбиркорлик режалари, тақлиф ва бизнес режаларини рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши бизнес режа», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши аёл тадбиркор», «Энг яхши инвестициявий лойиҳа» номинациялари бўйича кўрик-танловлар ўтказиш белгиланиб, танлов

голиблари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши, банк кредитларидан имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишлари кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари томонидан ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этишлари

да. Ўтказиладиган танлов натижаларига кўра, голиб деб топилган ўқувчиларга банкнинг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи дипломлар топширилиши режалаштирилган.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 48,8 млрд. сўмга ортиб, 2011 йил 1 июль ҳолатига кўра, 99,9 млрд. сўмни, ажратилган микрокредитлари миқдори эса 21,1 млрд. сўмни ташкил қилди. Эътиборлиси, банк томонидан барча манбалар ҳисоби-

дан ажратилган кредитлар ҳисобига 2748 та янги иш ўрни вуҳудга келди. Айтиш жоизки, 3300 дан ортиқ тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига ҳам банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида 360 га яқин тадбиркор аёлга жами 13,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Мамлакатда озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш борасидаги лойиҳаларни молия-

лаштириш мақсадларига 40,0 млрд. сўмга яқин кредитлар йўналтирилди. Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган ва намунавий уй-жойлар қурилишида иштирок этаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларининг айланма маблағларини тўлдириш мақсадларига 14,9 млрд. сўм кредитлар йўналтирилган бўлса, пудрат ишлари билан шуғулланган корхоналарнинг замонавий техника ва ускуналарга бўлган эҳтиёж-

